

“ЗАМИН МУЎЖИЗАЛАР БЕРАР-У БИЗГА, ЭВАЗИГА ФАҚАТ ҲАЙРАТ СЎРАЙДИ”

Улдона Абдурахмонова,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2-
босқич таянч докторанти Тошкент, Ўзбекистон
uldana.abdurahmanova@mail.com

Аннотация

Ушбу мақолада инсоннинг Яратганни таниши, олам ва одамни англашида бирламчи асос ҳисобланган ҳайрат категориясининг Суқрон, Афлотун, Арасту, Рене Декарт ва Алишер Навоий асарларидаги талқинлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ҳайрат, маърифат, кўнгил, қалб, билим, тўрт унсур, тафаккур, ҳиссий ҳайронлик, ақлий таажжуб, “ақли кулл” (олий ақл) ҳайрати.

Инсон Ҳақни таниса, ўзини билади.

Ўзини англаса, борлиғидаги қувватни жамлай олади.

Борлиғидаги қувватни жамласа, нафсини енгади.

Нафсини жиловласа, ўз ўрнига – муқаррамлик поғонасига кўтарилади.

Ҳаёт аввалида инъом этилган азизлик-муқаррамлик даражасига яна чиқа олган инсон эса оламни ўзгартиришга, табиат меҳварига айланишга қодир.

Беш фикрни бир маҳражга келтирсак, Одамзотга муқаррамлик поғонасига кўтарилиш учун барча имконият – билим олиш, сўзлаш, ақл, туйғу, идрок, фаросат... инъом этилгани, “ихтилофи жузв ила кул”, “тараққию таназзул”¹ чоррахасида Ягона Ўзлик Манзилига олиб борадиган энг яқин йўлни танлаш имконияти берилгани ойдинлашади. Чунки Инсон ўз атрофини ўраб турган борлиқ ва йўқлик оламидаги барча нарса – коинот, сайёралар, зарра, вақт, “тўрт садаф”² (сув, ҳаво, тупроқ, олов), ҳайвонот, наботод, мавжудлик ва мавжуд эмаслик, бани башар, уларнинг тақдирлари, кечинмалари, қувонч-изтиробларини билишга интилар экан, аввало, ўз ҳаёти моҳиятини тушунишни, қаёқдан келиб қаёққа кетаётганини, собит-у сайёрадаги ўз ўрнини, олам ичидаги ўз вазифасини билишни истайди.

Ижодкорларнинг миссияси эса – бу англамларни англатиш, сезимларини сездириш, билганларини билдиришдан иборат. Яъни айтиш шундай олам ва одам муносабатларининг кўзгуси ҳам, бир бутун идрок этиш шакли ҳам, катализатори ҳам бадиий адабиёт бўлса, бу моҳиятни англаш-у англатишнинг ибтидоси-ю интиҳоси ҳайратдир.

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Фан, 1996.

² Алишер Навоий таърифи.

Тарихдан маълумки, антик давр мутафаккирлари фалсафани “доноликка муҳаббат” тарзида, “донишмандлик ибтидоси”ни эса “хайратланиш” билан боғлаб тушунтиришган. Бунда хайрат тушунчаси қандайдир бир жўн ижобий эмоционал ҳиссиёт эмас, балки том маънода билимни англатади. Юнон мутафаккирларига кўра ҳам ҳақиқий мўъжиза хаосда эмас – борликда юз беради, бу мавжудликни илғаш – хайрат, унинг моҳиятини билиш эса донишмандлик ибтидосидир³.

Машҳур юнон файласуфи Сукрот⁴ни ҳар бир ҳодиса ажаблантирган, “туғилиш, ўлиш, мавжудликнинг боиси, инсон қай тарзда фикр юритиши” хайратга солган⁵. Сукрот мактабидан етишиб чиққан Афлотун⁶нинг “Теэтет”, “Федр”, Афлотун академиясида билим олган Арасту⁷нинг “Метафизика” асарларида эса хайрат туйғуси турли аспектларда тадқиқ ва талқин қилинган бўлса-да, Афлотун ва Арастунинг бу борадаги фикрлари бир нуқтада кесишади: **“Фалсафанинг ибтидоси хайратдир”**.

Арастунинг “Метафизика”сига асос бўлган **“Барча одам табиий равишда билимга интилади”** дастурий ёндашуви содда тушунтирсак, одамзотдаги ўрганиш истаги – когнитив қизиқишга айланади, бу эса билим олишга бўлган табиий эҳтиёждир. Арасту фикрича, инсон ҳар қандай билимнинг ўзига дахлдор сабабларини англашга интилади ва мутафаккир шундан келиб чиқиб, “инсон фақат бирор нарса нимага шундай эканлигини билгунича хайратланиши мумкин, холос”, дейди.⁸ Аммо илк сабабларни, яъни олам ва одам яралиш тарихини, “илк сабаблар ва азални” билган киши, Арасту фикрига кўра, чинакам донолик чўққисига чиққан ҳисобланади⁹. Яъни Афлотун назарида инсон “аслида мавжуд” нарсалар ҳақида ҳар доим бош қотиради, фақат Худогина хайратдан юқори туради, доноликни севган ва унга интилган одамгина илоҳий билим ҳалқасига бирлашади¹⁰; Арасту эса, Афлотундан фарқли равишда, хайратга фақат фалсафа қилишга ташқи туртки бўладиган сабаблардан бири сифатида қарайди¹¹.

³ М.Мамардашвили. Необходимость себя. Введение в философию. – М.:Лабиринт, 1996. стр 26.

⁴ Сукрот (мил.авв. 469-399 йй.) – машҳур юнон файласуфи. Атика шахрида ҳайкалтарош Софроникс ва доя Фенаретта оиласида дунёга келди. Талабаларга оғзаки сабоқ берган ва ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган.

⁵ Ҳақиқат манзаралари. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. 60-бет.

⁶ Афлотун (Платон) (мил. авв. 428-347 йй.) – қадимги юнон файласуфи. Афина шахрида туғилиб ўсган. Асл исми Аристокл. «Платон» унинг лақаби бўлиб, юнонча “кенг елкали”, “бўлали” деган маънони англатади. Бу лақабни унга Сукрот берган. Унинг 25 га яқин шеърӣ усулда битилган миниатюра-эпиграммалари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, 23 та асл нусхадаги ва 11 та унинг қаламига мансуб дея тахмин қилинадиган суҳбати, «Сукрот мадҳи» деб номланган нутқи, шунингдек, 13 та мактуби маълум. Афлотуннинг суҳбатлари қуйидагилардан иборат: «Протагор», «Федон», «Парменид», «Теэтет», «Тимей», «Критий», «Лахет», «Менон», «Давлат», «Сиёсатдон», «Конунлар», «Федр», «Филеб» ва бошқалар.

⁷ Арасту (Аристотель) (мил. авв. 384-322 йй.) – қадимий юнон файласуфи. Фракиянинг Стагира шахрида туғилган. Шу туфайли баъзан Арастуни Стагирит деб ҳам аташади. Македониянинг бўлғуси ҳукмдори Филипп билан бирга ўйнаб катта бўлган. 20 йил (367-347 йиллар) файласуф Афлотуннинг Академиясида таҳсил олган, киро́л Филиппнинг ўғли Искандар Макдуний (Александр Македонский)нинг мураббийси бўлган. Файласуфнинг «Методика», «Метафизика», «Жон ҳақида», «Поэтика», «Осмон ҳақида», «Физика», «Риторика», «Севги ҳақида», «Уйку ва бедорлик ҳақида» каби 28 та китоби маълум.

⁸ Аристотель. Метафизика. 4., гл. 1., 1003 а.

⁹ Аристотель. Метафизика. 1., гл. 2., 982 б. стр. 17-20.

¹⁰ Аристотель. Метафизика. 1., гл. 2., 983 а. стр. 11-19.

¹¹ G. Bien II Historisches Wörterbuch der Philosophie. 1989. Bd. 7. Sp.583 f.

Сукрот, Афлотун ва Арастуниг инсон таажжуби, инсон лоллиги, инсон ҳайронлиги ва айна пайтда унинг сабабларини билишга интилиши ҳақидаги бу қарашлари кейинчалик ғарбдаги кўплаб мутафаккирлар (Фрэнсис Бекон¹², Рене Декарт¹³, Томас Гоббс¹⁴, Шеллинг¹⁵, Гегел¹⁶, Хелдерлин¹⁷, Эрих Фромм¹⁸ ва ҳкз.) томонидан ривожлантирилган ва уларнинг аксарияти “ҳайронлик – сабаб – билим” боғлиқлиги, *“Инсонни таажжубга соладиган ҳар бир нарсанинг аслини ва сабабини ўрганиш мумкин/керак”* ғоясини у ёки бу шаклда ифода қилишган.

“Билганимиз қадар бажара оламиз” (лотинчаси – “Tantum possumus, quantum scimus”). Инглиз файласуфи Фрэнсис Беконнинг (1561-1626 йй.) машҳур бу ҳикмати ҳам Сукрот, Афлотун ва Арастуниг “ҳайронлик – сабаб – билим” назариясига асосланади. Бекон инсон билимсиз ўзини англай олмаслигини, фикр оламнинг чегараси ва ниҳоясини қамраб олишдан ожиз бўлса-да, лекин доимо зарурият туғилганда жуда узоқни кўра олишга хизмат қилишини, ҳар қандай билим асосида эмпирик тасдиқ (тажрибада исботланган ҳақиқат) ва индуктив хулоса (далиллар асосидаги тўхтам) мужассам бўлишини айтаркан, билим олишнинг *“ўргимчак йўли”* (амалий тажрибасиз соф тафаккурдан билимга эга бўлиш), *“чумоли йўли”* (фақат амалий тажрибага асосланган ҳолда билиш) ва *“асалари йўли”* (юқоридаги икки йўлнинг барча афзаллигини олиб, моҳиятга кириш) манзиллини икки жумлада ифода қилади: *“Билим – куч, куч эса билимдодир”*.

Бекон ҳайратланиш учун сабаб бўлган ҳар бир нарсани илм-фан томонидан изоҳланиши мумкин, дейди. Идеал давлат бўйлаб саёҳатни тасвирловчи “Янги Атлантида” саёҳат кундалигида китобхонга фақат воқеаларнинг сабабларни билиш орқалигина ҳақиқий билимга эга бўлиш мумкинлигини тушунтиради¹⁹.

Инсон ҳаётининг мазмуни бўлган ҳайрат қонуниятини тўла ифодаланган –мукаммал манба эса, бизнингча, муқаддас Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлардир. Қуръони Каримда ҳам бот-бот таъкидланганидек, *“бу (Қуръон) одамлар учун, уларнинг*

¹² Фрэнсис Бекон (1561–1626) ҳайратланиш учун сабаб бўлган ҳар бир нарсани илм-фан изоҳлаши мумкин, дейди. Беконга кўра, “билим – бу куч, куч ва билимда умумийлик бор”.

¹³ Рене Декарт (1596–1650) космик дунё математик тузилмаларга мувофиқ қурилганига ва шу сабаб дунёни “аниқ ва алоҳида” тушунчалар ёрдамида охиригача англаш мумкинлигига ишонган. Декарт учун ҳам фалсафанинг вазифаси одамларни “табиат эгалари” даражасига олиб чиқишдир. Бу ерда улар ҳайратга ўрин қолдирмаган.

¹⁴ Замонавий эмпиризмнинг асосчиси Томас Гоббс (1588–1679) фикрича, илм-фан учун фалсафий англашдан бошқа усуллар йўқ. Табиатшуносликда қабул қилинган сабабият тушунчаси фалсафа учун ҳам когнитив воситадир.

¹⁵ Hegel G. W. F. *Fruhe Schriften*// Hegel G. W. F. *Werke*: In 20 Bd. Frankfurt, 1971. Bdl. S. 235.

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Немис идеализми ва романтизм мутафаккирлари ҳайрат тушунчасига янги маъно бағишлашди. 1795–1796 йилнинг кишида уч ёш “Гёте” институти талабалари – Шеллинг, Гегел ва Хелдерлин немис идеализмининг энг қадимги систематик дастури сифатида танилган манифестни туздилар. Бу математика категорияларидаги фикрлашга қарши уруш эълон қилишнинг идеалига айланди. Манифестда ёш мутафаккирларнинг “барча ғояларни қамраб олувчи ақлнинг, олий ҳақиқати эстетик ҳақиқат ҳамда ҳақиқат ва яхшилик фақат гўзалликка алоқадор; файласуф шоир билан бир хил эстетик кучга эга бўлиши керак”, деган ғояси илгари сурилган. Юқоридаги мутафаккирлар математик аниқлик қоидаларига амал қилган ақл, ҳақиқатга берилган шакл эмас, деган эътиқодга эргашади. Шеллинг ва Хелдерлин учун “интеллектуал тафаккур” табиий нарсаларда яширинган ҳақиқатни ошкор қилиш усулига айланади.

¹⁸ XX асрнинг буюк мутафаккир ва психолог-файласуфларидан бири бўлган Эрих Фромм Франкфурт Социология мактабининг маънавий етакчиси эди. Эрих Фромм асарларининг тадқиқотлари марказида инсон моҳиятини англаш ва бу орқали инсонни янада маҳсулдор ва ижобий яратувчанликка йўналтириш мавзуси ётади.

¹⁹ Батафсил қаранг: Фрэнсис Бекон, Сочинения в двух томах, – М.: Мысль, 1977

у ила огоҳлантирилишлари, У ягона илоҳ эканини билишлари ва ақл эгалари эслашлари учун баёнодир”²⁰.

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларга кўра, хайрат қонунияти қуйидаги концептуал тамойилларга асосланади:

а) Барча мулк Аллоҳникидир. Бу дунёдаги бор-у йўқ, ҳаракат-у ҳаракатсизлик, инс-у жинс, жами махлуқот тақдири, изни, изми, ҳаракати ё ҳаракатсизлиги – оламлар Раббига тегишли²¹. Оламда нимаки бор бўлса, барчаси йўқдан яратилган, йўқ бўлса, бу ҳам Унинг мулкидир. Аллоҳ таолодан бошқа холиқ йўқ²², халқ қилишга қодир йўқ.

б) Оламдаги ҳар бир яратик – мўъжиза. “Осмонлар-у ернинг, куёш-у ойнинг яратилиши²³ да, кеча-кундузнинг алмашилишида”²⁴, собиту сайёрада баланд тоғлар барпо қилиниши, анҳорлар-дарёлар оқизиб қўйилиши, меваларнинг жуфт-жуфт бўлиши, кечанинг кундузга ўралиши²⁵ да тафаккур қилувчи инсонлар учун аломатлар, белгилар бор.

в) Одам – исм илми эгаси. Аллоҳ таоло инсонни жами махлуқотдан улуг даражага кўтаргани илк аجدодимиз Одам атога улуг бир сир – исм илми ўргатилгани²⁶, мавжуд уч оламдаги барча нарсанинг бани башарга бўйсундириб қўйилгани²⁷ билан асосланади. Инсонга ўзини ўраб турган барча ашёни номлаш, бор-у йўққа исм бериш имкони берилгани, барча нарсанинг одамзот измига бўйсундиргани – Холиқ меҳри-муҳаббати боис барча махлуқдан юқори даражага кўтарилгани замирида фалакларни яратишдан муддао аслида Одамзот бўлганига ҳеч бир шаксиз далил мужассам.

г) Ақл эгалари учун аломатлар бор. Ҳаво, тупроқ, сув, нур, олов, ҳароратнинг аниқ ўлчов билан яратилгани, сув айланиши (ёмғир – булоқ – ирмоқ – дарё – денгиз – пар –

²⁰ Иброҳим сураси, 52-оят. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. –Т.: Шарқ, 2008. 461-бет (Қуръони Каримнинг мақоладаги барча сура ва оятлари шу тафсирдан олинган бўлиб, кейинги ўринларда фақат сура номи, оят рақами ва саҳифаси кўрсатилади).

²¹ «У осмонлару ернинг мулки Унга хос бўлган, Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир» («Фурқон» сураси, 2-оят).

²² «Балки улар ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ ўзлари яралгандирлар?! Ёки улар яратувчиларми?» (Тур сураси, 35-оят); «Балки, улар осмонлару ерни яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар» (Тур сураси, 36-оят);

«Улар назар солмасми: Туянинг қандай яратилганига?

Ва осмоннинг қандоқ кўтарилганига?

Ва тоғларнинг қандоқ ўрнаштирилганига?

Ва ернинг қандоқ текислаб қўйилганига?» («Ғошия» сураси, 17-20-оятлар).

²³ «Куёш ўз истиқрори учун жараён этар. Бу азизу ўта билгувчи зотнинг тақдир қилганидир»; «Ойни эса токи эски (хурмо) шингили (ҳолига) қайтгунга қадар манзилларини бичиб қўйганмиз»; «На куёшнинг ойга етиб олоғи дуруст бўлар ва на кеча кундуздан ўзиб кетар. Ҳар бири фалакда сузиб юрар» («Йасин» сураси 38-40-оятлар).

²⁴ Оли имрон сураси, 190-оят, 75-бет.

²⁵ Раъд сураси, 3-оят, 249-бет.

²⁶ (Аллоҳ) Одам (Ато)га барча номларни ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: «Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!». (Улар) дедилар: «Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, Сен илм ва ҳикмат эгасидирсан». (Аллоҳ) айтди: «Эй, Одам, уларга номлари билан айтиб бер». Уларга номлари билан айтиб берганида, (У) деди: «Мен осмонлар ва Ер сирларини, сизлар ошкор қилаётган ва яшириб юрган нарсаларингизни билурман, демаганмидим?!» (Бақара сураси, 31-33 оятлар).

²⁷ «Аллоҳ сизга денгизни унда Ўз амри билан кемалар юриши учун ва сиз Унинг фазлидан иштаингиз учун бўйсундириб қўйди. Шоядки, шуқр келтирсангиз» («Жосия» сураси 12-оят); «Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни-ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-белгилар бордир» («Жосия» сураси 13-оят); «Албатта, Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишларидан ушлаб турур. Агар улар қулайдиган бўлсалар, Ундан ўзга ҳеч ким уларни ушлаб тура олмас. Албатта, У ўта ҳалим ва ўта мағфиратли бўлган зотдир» («Фотир» сураси, 41-оят).

булут), чучук ва шўр сувли дарё-денгизларнинг учрашиб туриши, ернинг тортиш кучи, заминнинг инсон яшаши учун мослаб қўйилгани, меваларнинг шакли, таъми, хиди ўзига хослиги, биргина доннинг кўчатга айланиб, мева бериши ва яна уруққа айланиши, ранглар турфалиги, одамзотнинг сочидан тирноғи қадар мукамал яратилгани, инсон руҳидаги ўзгаришлар, унинг ҳис-туйғулари, феъл-атвори, тафаккури... – буларнинг бари бу дунёнинг низомини тутиб турган улў Зот қудратига шаксиз далил. Шу боис ҳам муқаддас китобда ҳар бир яратик ҳақида сўз борар экан, бир ибора кўп бора таъкидланади: “ақл эгалари учун аломатлар бор”.

Ақл эгалари – бу яратик воситасида Яратганнинг қудрати ҳақида тафаккур қилувчилар²⁸. Ақл эгалари – бу Аллоҳнинг аҳдига вафо қиладиган, аввало, иймон шартларини қалб/тил/амал билан адо этадиган ва бу аҳду паймонни бузмайдиганлар.

Ақл эгалари – бу тааммул (ҳар бир яратикқа ибрат олиш учун синчиклаб назар солиш), тафаккур (ақл билан фикр қилиш), тадаббур (ҳар бир ўйнинг/сўзнинг/амалнинг оқибатини ҳисобга олиш) қилувчи инсонлардир²⁹.

Ақл эгаси бўлиш, аввало, мўминликдир, муслимликдир (ўз ожизлигини билиб, Яратган қонуниятлари/тақдирлари/низомлари олдида таслимликдир), “ал-мийсоқ”да берган аҳдига садоқатли бўлишдир.

Ҳадиси шарифларда ҳам яралмишлар ҳақида тафаккур қилиш³⁰, “бир соатлик тафаккур бир йиллик ибодатдан афзал”³¹ экани марҳамат қилинган. Ҳасан Басрий³² айтадики, *“Кимнинг сўзи ҳикмат бўлмаса, у ларв (беҳуда)дир, кимнинг сукути тафаккур бўлмаса, у хато, кимнинг назари ибрат олиши бўлмаса, у лаҳв(бефойда амал)дир”*³³. Чунки тафаккур – икки дунё саодатига элтувчи йўл. Тафаккур – катта ақлий қувват, одам ва оламни англаш воситаси, иймон мустаҳкамлигидир.

Борни йўқ, йўқни бор этадиган Зотнинг ўзи Одамзотга шу борлик-у йўқликни қалб-у онг билан билиш, бу билимни – тушунчани, тасаввурни, туйғуларни, фикрни сўз билан ифодалаш мартабасини берар экан, бу билан башариятни малакут (фаришталар) ва жинс (шайтон ва жинлар) оламидан ҳам сарбаланд этганига шак йўқ. Шу билан бирга,

²⁸ “Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар (ва дуо қиладилар:) “Эй, Раббимиз! Бу (қоинот)ни беҳуда яратмагансан. Сен (айблардан) пок зотдирсан. Бас, бизни дўзах азобидан саклагин! (Оли Имрон сураси, 191-оят)

²⁹ Батафсил қаранг: Абу Ҳомид Ғаззолий, “Ихёу улумид-дин”, –Т.: Тошкент ислом университети, 2007.

³⁰ Ибн Аббос розийаллоху анҳумо айтадики: «Бир қавм Аллоҳ азза ва жалла тўғрисида тафаккур қилиб ўтиришганди. Набий алайҳиссалом уларга: «Аллоҳ яратган нарсалар хусусида фикрланглар, Аллоҳ хусусида фикрланглар. Сизлар ҳеч қачон унинг ўлчовини идрок этолмайсизлар», дедилар. Бошқа бир ривоятда келадик, Набий алайҳиссалом бир куни бир қавмнинг олдида бордилар. Улар тафаккур ҳолатида ўтиришган экан. Набий алайҳиссалом: «Сизларга нима бўлди, гапирмайсизлар», дедилар. Улар: «Аллоҳ яратган махлуқларни ўйлаб ўтирибмиз», дейишди. Буни эшитиб Набий алайҳиссалом: «Шундай давом этаверинглар, Аллоҳ яратган махлуқларни фикрланглар, унинг ўзи тўғрисида фикрланглар...», дедилар. Ўша манба, 2-бет.

³¹ Ўша манба.

³² Ҳасан Басрий, Абу Саид ибн Абил Ҳасан Ясор (642-728) – илк исломнинг йирик илоҳиёт олими. Мадинада туғилган, 657 йилдан Басра шаҳрида яшаб, шу ерда вафот этган. Халифа Умар ибн Абдулазиз (681-720 йй.) даврида Басрада қозилик қилган. Ҳасан Басрий атрофида илоҳиёт олимлари тўпланиб, улар Умавийлар давлати маънавиятини белгиллаган. “Ислом энциклопедияси”, 3.Хусниддинов таҳрири остида, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004, 100-бет.

³³ Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. 3-бет.

яратиклар орасида фақат инсондагина ўз танловининг тўғри ё нотўғрилиги, фикрлагани ёки фикрламагани, англагани ёхуд англамагани учун жавобгарлик бор.

Айни шу эътиқод-у иймонга суянган инсон ҳайрат мақомотида кўтарилиши мумкин. Ҳайрат – яратиклар ҳақида тафаккур қилиб, олам ва одам моҳиятини, Яратганни ва ўзини англашдан, мўъжиза аломатини сезиш ва белгисини англаш нуқтасидан бошланади ва бу билимнинг авжи ҳам ҳайратдир. Болқор шоири Қайсин Қулиевнинг ўша машҳур шеърида айтилганидек, *“замин мўъжизалар берар-у бизга, эвазига фақат ҳайрат сўрайди”*³⁴. Бу ерда “замин” тушунчасини Яратган маъносида тушуниш ўринлидир.

Албатта, Қуръони Карим оятлари, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида юзага келган шарқ-ислом адабиёти, шу жумладан, ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам ҳайрат феномени инсоннинг Аллоҳни, У яратган борлиқни ва ўз моҳиятини англаш йўли сифатида идрок қилинган, тушунтирилган, англаган ва англанилган.

Бу адабий-тарихий жараёни эса шартли равишда Алишер Навоийдан аввалги ва Алишер Навоийдан кейинги даврларга бўлиш мумкин. Чунки ҳайрат феноменининг фалсафий-рецептив, бадиий-рецептив моҳияти айнан буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий шеъриятида бор бўй баста билан намоён бўлган, ҳайрат феномени – ҳазрат Навоий ижодининг бош концепциясидир.

Алишер Навоийнинг **“маърифатнинг илк йўли – кўнгил ҳайронлиги”** дастури Сукрот, Афлотун, Арасту илгари сурган **“фалсафанинг ибтидоси ҳайратдир”** концепциясига ниҳоятда уйғун. Фақат Алишер Навоий “ҳайрат” феноменини яхлит ё бир бутун ҳолда юз берадиган ҳолат эмас, балки босқичма-босқич ривожланиб борадиган жараён, инсоннинг ўзини ва Яратганни, олам ва одамни англаш йўли сифатида, бу ҳолатнинг барчаси эса фақат ва фақат илоҳий кўрсатма (“ғайб ҳотифи”) воситасида юз бериши — кулфи диллар, қалб кўзлари Яратганнинг марҳамати билангина очилиши мумкин дея талқин қилади. Алишер Навоийнинг бу фикри ҳайрат феномени билан боғлиқ энг муҳим факторни ҳам ойдинлаштириб беради: кўнгил ўз-ўзича ҳеч нимани англаши мумкин эмас. Яратиклар Муаллифи яралмишларни, шу жумладан, инсон қалбини ҳам ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўймайди, фақат танлов одамнинг ўзида қолган: қалб истаса – ҳидоятга йўл бошланади.

“Ҳайрат” категориясининг тадрижий тақомили, шаклланиши ва ўзбек мумтоз шеъриятида намоён бўлиш тарихи, жаҳон адабиёти, назарий тафаккурига хос кўринишларининг илмий тадқиқи ҳайрат феномени, хусусан, бадиий адабиётдаги ҳайрат категорияси инсоннинг Яратганни таниши, ўзлиги ва борлиқни англашидаги **хиссий ҳайронлик, ақлий таажжуб, “ақли кул” (олий ақл) ҳайрати** таркибий қисмларидан иборат ягона концептуал фалсафий-бадиий тизим эканини кўрсатди.

³⁴ Абдулла Орипов таржимаси. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/bolqor-sheriyati/qaysin-quliev/>

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Фан, 1996.
2. Алишер Навоий. МАТ. Еттинчи том. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Фан, 1991.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати. 4 томлик. –Т.: Фан, 1983.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий, “Ихёу улумид-дин”, –Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
5. Аристотель. Метафизика. 4., гл. 1., 1003 а.
6. G. Bien II Historisches Worterbuch der Philosophic. 1989. Bd. 7. Sp.583 f.
7. Hegel G. W. F. Fruhe Schriften// Hegel G. W. F. Werke: In 20 Bd. Frankfurt, 1971. Bdl. S. 235.
8. Қуръони Карим. Ўзбекча изохли таржима. Таржима ва изохлар муаллифи Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Т.: Hilol-nashr. 2022.
9. М.Мамардашвили. Необходимость себя. Введение в философию. – М.:Лабиринт, 1996. стр 26.